

## **ЖАМИЯТ ХАЁТИ ВА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ОМИЛИ-ЁШЛАРНИНГ МАЊНАВИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА ОЛИМАЛАРНИНГ ИШТИРОКИ**

Бахриева Шаҳноза Давроновна

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат

университети Ургут филиали Мактабгача таълим

педагогика кафедраси ассистенти, рус тили фани ўқитувчиси

### **Аннотация:**

Ушбу мақолада мамлакатимизда қадимдан таълим – тарбия ва миллий мањнавият доимо узвий алоқада бўлганлиги ва уларнинг умумбашарий қадриятлар билан биргаликда ривожланганлиги, таълим-тарбиянинг миллий мањнавий негизлари, мањнавий-ахлоқий тарбия ва унинг асосий таркибий қисми, мањнавий-ахлоқий тарбия ва унга қўйиладиган талаблар, жамиятда маълум ижтиомий - ахлоқий талабларга мос ахлоқий ҳислатларни шакллантириш мақсадида хотин ва қизларнинг бугунги кундаги илмий фаолиятини ахамияти тўла ёритилган.

**Калит сўзлар:** мањнавият, миллий, таълим, тарбия, ахлоқ, одоб, хулқ, қадрият, жамият, ижтиомий, ўқувчи, талаб, онг, ҳиссиёт, негиз, Ватан, Давлат, сиёsat, қонун, Миллий дастур, Президент, халқ, инсон, тараққиёт Олима

### **Фактор жизни и предвзятости общества - участие ученых в духовном воспитании молодежи**

### **Аннотация:**

Аннотация: В данной статье с древнейших времен в нашей стране образование и национальная духовность всегда были тесно связаны и развивались вместе с общечеловеческими ценностями, национальными духовными основами образования и воспитания, духовно-нравственным воспитанием и его главной составляющей. В целях формирования в обществе нравственных чувств, совместимых с определенными социальными и нравственными требованиями, сегодня в полной мере освещается значение научной деятельности женщин и девушек.

**Ключевые слова:** духовность, национальная, образование, воспитание, мораль, нравы, поведение, ценность, общество, социальное, студенческий, спрос, сознание, эмоция, основа, Родина, Государство, политика, закон, Национальная программа, Президент, народ, человек, Развитие. Ученый

## **PARTICIPATION OF SCIENTISTS IN THE SPIRITUAL EDUCATION OF YOUNG PEOPLE IS A FACTOR OF COMMUNITY LIFE AND COOPERATION**

### **Abstract:**

In this article, since ancient times, education and national spirituality have always been closely related in our country and they have developed together with universal values, national spiritual foundations of education, spiritual and moral education and the main part of its composition, spiritual and moral education and the requirements for it. The importance of women's and girls' scientific activities today is fully highlighted in order to form moral character in accordance with known social and moral requirements in the society.

**Key words:** spirituality, national, education, training, ethics, manners, character, value, society, social, student, demand, consciousness, feeling, basis, Motherland, State, policy, law, National program, President, people, human being, development scientist

**Кириш**

“Қизлар билим олишга ҳаммадан күпроқ интилишлари лозим, зеро, бу билимлар билан улар келажак авлодни тарбиялайдилар»,

**Абдулла Авлоний**

Бугунги кунда дунёда кескин ижтимоий – сиёсий ўзгаришлар юз берәётган вақтда таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизларига бўлган эътибор муҳим аҳамият касб этаётганлигини кўришимиз мумкин. Шу ўринда шарқда азалдан таълим – тарбия ва миллий маънавиятнинг доимо узвий алоқада бўлганлигини эътиборга олишимиз ва умумбашарий қадриятлар билан биргаликда ривожланиш сари қадам ташлашимиз лозимлигини унутмаслигимиз даркор. Маълумки, жаннатмакон Ватанимиз инсоният тамаддунининг бешикларидан бири ҳисобланади. Айнан биз яшаб турган заминда яшаб ижод қилиб келганлар. Бизни заминда айнан аёлларни илмга

йўналтириш бизга азал азалдан сингдирилган. Инсоният умрини илм-фан билан боғлайди. Янги уфқлар очиш гўё эркаклар ишидек туюлади. Олимлар орасида эркаклар нуфузи салмоқли таъсирга эгалиги ҳам ҳақиқат. Аммо фан тараққиётида аёллар ролини эътиборга олмаслик – адолатсизликдан далолат. Ўзбекистонда ташаббускор, уddaburon, масъулиятли ва юртимизда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этаётган хотин-қизлар салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу ҳаракатнинг илдизи узоқ йилларга бориб тақалади. Сўнгги 60-70 йил мобайнида Ўзбекистонда илм-фан соҳасида ўзига хос бурилиш ясаган, илмий-тадқиқот ишлари билан халқаро миқёсда эътироф этилган кўплаб республикамиз аёллари фан чўққиларини забт этганликларига тарих гувоҳлик беради.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили ва методологияси.**

Ўзбек халқининг бой ўтмиши ва унда таълим – тарбиянинг ўрни тўғрисида Президентимиз қўйидаги фикрлари диққатга сазовордир: “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур. ... Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч маърифатdir. ... Ақл заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади”. [1]. Жамиятда кечаётган ижтимоий, ҳусусан таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг самарадорлиги унинг фуқаролари эга бўлган маънавиятга боғлик. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда жамият ривожланишининг маънавий-ахлоқий негизлари аниқ белгилаб олинди. Жамият ривожланиши факат унинг иқтисодий тараққиётинигина эмас, балки маънавий юксалишини ҳам тақозо этади. Таълим-тарбиянинг маънавий негизлари моҳиятига кўра инсон онгининг жамият билан алоқадорлиги, жамият олдида бурчли эканлиги, ўз хулқ-авторини жамият тараққиёти даражасига боғлиқлигини тушуниши, жамият томонидан тан олинган ахлоқий меъёр, идеал ҳамда талабларни бажаришда масъулиятни ҳис этиши, маънавий-ахлоқий билимларнинг эътиқодга айланиши ва бу эътиқодларнинг тизимлилиги, мустаҳкам маънавий-ахлоқий ҳис-туйғу ва хислатларни шакллантириш, ўқувчилар томонидан маънавий-ахлоқий хулқатвор жамият аъзоларига бўлган ҳурмат-эътиборни намоён этувчи мезонлардан эканлигининг англаб етилиши, маънавий-ахлоқий одатларнинг шаклланиши ва бошқалардан иборат. [3]. Маънавий-ахлоқий тарбия



мазмунида миллий ва умуминсоний қадриятларни тиклаш масаласининг кун тартибига қўйиш заруриятининг юзага келганлиги муносабати билан туб ўзгаришлар юз берди. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари тўғрисида гапирилганда оиланинг ва аёлларнинг роли ниҳоятда муҳим эканлигини унутмаслик даркор. Сабаби, инсон дастлаб оиласда ва аёлдан биринчи бор таълим ва тарбияни асослари билан танишади. Асрлар мобайнида шаклланиб келган урф-одатларимиз, қадриятларимиздан ҳабар топади Маънавий-ахлоқий тарбияда яна бир эътиборли жихати хотин қизларни илм олишига шароит яратишдир. Чунки, ватанпарварлик, масъулиятни ҳис этиш, бурч, ор-номус, виждонлилик, тартиблилийк, адолатлилийк ва бошқа хислатлар тарбиясида айнан олима аёлларнинг ишлари катта аҳамиятга эга.

**Таҳлил ва натижалар.** Аёлларнинг илм олиши бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кутарилди. «Иложи борича, аёлларимизнинг дардини, ташвишларини севинч ёшига, ғалаба ёшига, муваффақият ёшига, натижа ёшига айлантиришга ҳаммамиз биргаликда ҳаракат қиласиз. Битта қиз фарзандни ўқитсангиз — бутун оилани ўқитган бўласиз деб ота-боболаримиз бежиз айтишмаган», — деди Шавкат Мирзиёев.

Дарҳакиқат, замонавий технологиялар асрида интеллекти жихатидан юқори кўрсаткичларга эришаётган фарзандларни кўриб қувонамиз, фахрланамиз. Сабаби, бир фарзанднинг ютуқлари ортида бир онанинг қанчалик меҳнатлари жо бўлганлигини биламиزمи? Илму мансаб, ижодда юқори марраларни забт этаётган эркак ортида унинг аҳли аёлининг ҳиссаси йўқ деб ўйлайсизми? Ҳа аёл қалби, юрагида буюк фидойилик мужассам. Илм олмоқнинг минг бир машаққатини роҳат каби қабул қилиб, жамиятда ўз ўрнига эга бўлмоқ учун илм истаган аёллар салмоғи кўплиги. Ахир Бухорий, Ибн Сино, Амир Темурларни тарбиялаган ҳам Аёл эмасми.

## **Муҳокама**

Чуқур билим, маънавий баркамоллик бўлган жойда тараққиёт бўлади. Шундай экан, миллий ўзликни англаш ва маънавий покланишдан иборат узвий, табиий жараён аввало она – аёлдан бошланади. Аёл маънавияти бутун миллат маънавиятининг туб илдизидир. Маълумки, аввал ҳаммамизнинг онгимизга сингиб кетган бир стереотип бор эди – «Илм-фан аёлнинг иши эмас». Лекин тарих ҳақиқатларига мурожаат қилсак, аёлларнинг фан, маданият, маънавият, тиббиёт оламида ўзларининг алоҳида ёндашувларига эга эканлигини кўрамиз.. Илм-фан тараққиётига эркаклар билан бир сафда ўз ҳиссаларини қўшган аёллар



сони оз эмас. Бугунги кунда хотин-қизларнинг кўпчилик қисмини илм-фанинг энг мураккаб йўналишларида ҳам кўришимиз мумкин. Жамият ҳаётининг турли жабҳаларида гендер тенгликни таъминлаш Ўзбекистон ички сиёсий концепциясининг устувор йўналишлари қаторига киради. Бугун Ўзбекистон академик доираларида аёлларнинг ўрни қандай? Илм-фан билан шуғулланиш, илмий янгилик яратиш, бу – игна билан қудуқ қазиш билан баробар. Мен ўзим шу соҳадан чиққаним учун бу ишнинг накадар қийин ва мураккаб эканини яхши биламан. Шунинг учун ҳам оила ташвишлари ва фарзанд тарбиясини илмий тадқиқот билан бирга олиб бораётган, бу борада амалий ютуқ ва натижаларга эришаётган олима аёлларни шахсан мен чинакам матонат ва жасорат соҳибалари деб биламан ва юксак қадрлайман», дея таъкидлаган эди Президентимиз.

**Хуноса ва таклифлар.** Бир аёлнинг олималикка қадам қўйишида айнан илмий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, яратилган шароитларнинг роли бекиёс экан. Аммо бу ўринда айрим кўнгилни хира этувчи ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Илм-фан соҳасида аёлларга нисбатан камситилиш ҳолатлари кам бўлса-да, учраб турадиган ҳолат. Аёлнинг фанга қўшган ҳиссасини баҳолаш, илмий карьерасининг турли жараёнларида кимлардир томонидан сунъий тўсиқлар яратилиши, бу – фақатгина ўша тадқиқотчига эмас, балки илмий ҳамжамиятга ҳам зарар етказиш билан баробар. Чунки ўша олималикка даъвогар аёлнинг илмий кашфиёти ёки оммага тақдим этмоқчи бўлган илмий изланишлари жамият учун, миллат учун фойдали бўлиши мумкин. Бундай тўсиқлар фақат кўнгилни хира қилиши, кичик асабузарликларга ҳатто илм-фандан совушига сабаб бўлади. Олима аёллар илмий изланишдан тўхтамаслиги, бугунги давр талаби. Олимликнинг ўзига хос маънавий, ахлоқий мезонлари бор. Мана шу мезонларга амал қилмоқ даркор. Шуни алоҳида қайд этишим жоизки, жамият тараққиётiga хизмат қилувчи, инсон капиталининг ривожланишига ҳисса қўшувчи омиллардан бири – олималарнинг илм-фан соҳасида улуши қўп бўлиши билан ҳам белгиланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Мулоқот журнали, № 5, 1998 йил.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –6.65 3. Жаҳонгиров Бурхон Бўронович. Ўзбекистонда илм-



**Proceedings of International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Paris, France.**

**Date:** 19<sup>th</sup> February, 2024

**ISSN:** 2835-3730

**Website:** econferenceseries.com

фан ҳолати, тараққиёт йўналишлари (1980-2010 йиллар). Монография.“Qaqnus media” нашриёти, Тошкент. 2020. -б.58

4.Каримов           И.А.           Юксак           маънавият-енгилмас           куч.

Тошкент.“Маънавият”.2008.- б.19

5. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлок. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.- б.35.



**E-Conference Series**

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings